O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

«Бизнинг бугунги бунёдкорлик ишларимиз, ҳаётнинг барча соҳаларида амалга ошираётган ислоҳотларимиздан мақсад — Ватанимизнинг истиқболи ва халқимиз фаровонлигини таъминлашдан иборат».

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 4-avgust • Shanba • 92 (27.737) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, эртанги, узоқ давомли режаларимизни қурар экан-миз, юртимизни бошқа давлатлар ва минтақалар билан боғлайдиган йўллар ва коммуникациялар барпо этиш масаласи доимо бизнинг эътибор марказимизда туради.

Ислом КАРИМОВ.

Эртага — Темирйўлчилар куни

ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ — ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан темир йўл транспортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Истиқлол йилларида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси тизимида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Темир йўлда ҳаракат хавфсизлиги янада мустаҳкамланди.

Пойтахтимиздаги Темирйўлчилар марказий маданият саройида мазкур соҳа ходимларининг касб байрами муносабати билан ўтказилган тадбирда шу ҳақда сўз борди. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси О.Раматов бошқарган тадбирда давлатимиз раҳбари томонидан темир йўл транспорти тизимини барқарор ривожлантиришга катта эътибор берилаётгани алоҳида таъкидланди.

Компания ахборот хизмати маълумотларига кўра, жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида мамлакатимиз темир йўллари орқали 27,8 миллион тонна юк ташилган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 19,6 фоиз кўпдир. Йўловчи ташиш 10,1 фоиз кўпайди. 150,7 миллиард сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди.

Истиқлол йиллари жами 564 километрлик янги йўл қурилди. Шимолий минтақаларимизни мамлакатимизнинг марказий ҳудудлари билан боғлаш имконини берган Навоий — Учқудуқ — Султон Увайстоғ — Нукус темир йўл линиясининг қурилиши, ниҳоясига етаётган, узунлиги 223 километрлик Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон янги темир йўл линияси сингари лойиҳалар шулар жумласидандир.

Айтиш керакки, кейинги 15 йил ичида МДҲ га аъзо давлатларнинг бирортасида ҳам бунчалик кенг масофадаги янги темир йўл барпо этилмаган. Юртимизда амалга оширилаётган бундай кенг кўламли ишлар халқимизнинг бунёдкорлик борасидаги улкан салоҳиятидан яна бир далолатдир.

Соҳага чет эл сармояларини жалб қилиш ишлари ҳам изчил давом эттирилмоқда. Осиё тараққиёт банкининг кредити ҳисобидан Самарқанд — Бухоро йўналишида модернизациялаш дастури тўла ниҳоясига етказилди.Ушбу йўналишлар оралиғидаги йўллар таъмирланди.

Тошкент марказий йўловчилар темир йўл вокзали ва бошқа шаҳарларимиздаги вокзаллар қайта реконструкция қилинди ва таъмирдан чиқарилди, янгилари барпо этилди. Халқаро ва маҳаллий йўналишларда қатновчи поездларда кўрсатилаётган хизматлар сифати замонавий талабларга мослаштирилди.

Тепловозларнинг хизмат кўрсатиш муддатини узайтириш, платформа ва бошқа хил техникани таъмирлаш ишлари ўзлаштирилди. Андижон механика заводида нефть маҳсулотларини ташиш учун элликдан зиёд цистерна ишлаб чиқарилди. Европа тикланиш ва тараққиёт банки ажратган 40 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит ҳисобига 12 та замонавий электровоз сотиб олинди. Эксплуатация қилиш ва техник хизмат учун кетадиган харажатлар камайди.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар бераётган самаралардандир.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Н.Хонов, Тошкент шаҳар ҳокими А. Тўхтаев иштирок этди.

Холмурод САЛИМОВ,
ЎзА мухбири.

ИСТИҚЛОЛНИНГ ЁРҚИН ЙЎЛЛАРИ

Юртимиз мустақиллигининг 16 йиллик байрамига қизғин тараддуд кўрилаётган шукуҳли кунлар мамлакатимиз темир йўл транспорти соҳаси вакиллари учун қўшалоқ тантаналарга айланмоқда. Чунки кўпминг сонли темирйўлчилар жамоаси ўз касб байрамларини меҳнатда улкан ютуқлар билан кутиб олишмоқда

Мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши учун олиб борилаётган ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида темир йўл соҳаси доимо ўзининг муҳим мавқени эгаллаб келади.

Шу сабабдан ҳам Юртбошимиз ва мамлакатимиз ҳукумати томонидан темир йўл тармоғини барқарор ривожлантиришга доимо катта эътибор ва зарур амалий ёрдам бериб келинмоқда. Буни эса ҳаётимизда кундалик ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларида яққол кўриш мумкин.

Эътироф этмоқ жоизки, Ватанимизнинг фидойи темирйўлчилари ўзларининг мардонавор меҳнатлари билан юк ташиш, темир йўлларни тасарруф этиш ва ишлаб чиқаришда амалга оширилаётган ишлар ҳажмини ошириш ва сифат кўрсаткичларини яхшилашга эришмоқдалар.

Юртимизда истиқлол эълон қилинган дастлабки кунларданоқ Президентимиз мамлакатимизда ягона миллий темир йўл транспорт тизимини яратиш масаласини энг муҳим вазифалардан бири сифатида илгари сурди ва ушбу муаммонинг ҳал этилишига бош-қош бўлмоқда. Қисқа давр ичида қурилиб, шимолий минтақаларимизни мамлакатимизнинг марказий ҳудудлари билан боғлаш имконини берган «Навоий — Учқудуқ — Султон Увайстоғ — Нукус» темир йўл линиясининг қурилишини олайлик.



2-бет

ПАРЛАМЕНТАРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси якунлари, сиёсий партияларнинг парламент қуйи палатасидаги фракциялари раҳбарларининг Спикер ўринбосарлари этиб сайланиши аҳоли, партиялар раҳбарлари ва аъзолари, депутатлар корпуси, шунингдек, мамлакатимиз ва хорижий олимлар, мутахассислар ва эксперт-лар ўртасида катта қизиқиш уйғотди. Олий Мажлис қуйи палатаси томонидан қабул қилинган қарорлар парламентаризмни ривожлантиришнинг муҳим босқичи, мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни амалга ошириш, иқтисодий ҳамда ижтимоий қурилишда сиёсий партиялар ташаббуси, роли ҳамда масъулиятини ошириш борасидаги жиддий қадам сифатида қутиб олинмоқда.

Қонунчилик палатасининг Спикер ўринбосарларини сайлашга оид қарори Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал- демократик партияси – ЎзЛиДеп фракцияси ташаббуси билан қабул қилинди. Бунда мамлакат парламентининг энг катта фракцияси ўз қарорини «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги конституциявий қонун қоидаларини босқичма-босқич, тизимли ва изчиллик билан амалга ошириш зарурати билан асослади. Ушбу қонун мамлакатимизда ижтимоий фаолликни ошириш, демократик ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқаришда сиёсий партияларнинг фаол иштирок этиши борасидаги ташкилий-ҳуқуқий шароитни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Маълумки, Конституциявий қонундан келиб чиқадиган кенг кўламли вазифаларни амалга оширишда сиёсий партияларнинг мамлакат парламентидаги фракциялари алоҳида ўрин тутади. Мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан қабул қилинган ҳужжатнинг қатор нормалари олий қонунчилик органи қуйи палатасидаги партия фракцияларининг фаолиятига бағишлангани бунинг исботидир. Масалан, Конституциявий қонуннинг 3-моддасида, хусусан, «Қонунчилик палатасида тузилган сиёсий партия фракцияси ўз вакили Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари лавозимларидан бирини эгаллашида кафолатли ҳуқуққа эга» экани белгилаб қўйилган. Бунда Спикер ўринбосарлари парламент қуйи палатаси қўмиталари аъзолари бўлиши ҳам мумкин.

2-бет

ЭЛЧИХОНАДА ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Яқинда Ўзбекистоннинг Берлиндаги элчихонасида Германия оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг бўлиб ўтди. Унда «WOSTOK» журналининг бош муҳаррирлари Б.Волленвебер ва П.Франке, «Берлин Актуэль» электрон нашрининг бош муҳаррири М.Мертенс, «РБ/РГ» ҳамда «Контакт» газеталарининг масъул ходимлари Е.Ободовская, О.Буйнова, А.Хайзер ва бошқа мустақил журналистлар иштирок этдилар.

Тадбир давомида иштирокчиларга Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида республикамизда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, гуманитар соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни тўғрисида атроф-лича маълумот берилди. Хусусан, Ўзбекистонда 2008 йилнинг 1 январидан ўлим жазосининг бекор қилиниши, шунингдек, қамоққа олиш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши муносабати билан айрим қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунларнинг моҳияти, уларнинг қабул қилинишидан кўзланган мақсадлар ҳамда ушбу ҳуқуқий ҳужжатларни ҳаётга татбиқ этишга тайёргарлик борасида олиб борилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидлаш керакки, ушбу маълумотлар немис ОАВ вакилларида катта қизиқиш уйғотди. Журналистлар юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, мустақил суд тизимининг яратилиши жараёнлари, сиёсий партияларнинг ўрни, кўппартиявийлик институтининг шаклланиши билан боғлиқ масалалар юзасидан атроф-лича маълумотларга эга бўлишганини қайд этишар экан, Ўзбекистоннинг сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ўзгаришлар даражасига юқори баҳо бердилар.

— Ўзбекистон мустақилликнинг илк йиллариданоқ инсонпарварлик тамойилига содиқ қолиб келади, — деди Франке. — Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг ўлим жазосини бекор қилиш, қамоққа олиш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисидаги ташаббусларини табриклаш керак.

Ҳамкасбининг фикрларини тасдиқлар экан, М.Мертенс «Ўзбекистон ушбу икки қонунни қабул қилиш орқали ўз миллий қонунчилик тизимини сифат жиҳатдан янги поғонага кўтарди», деди.

Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон маданий ҳаётидаги муҳим тарихий воқеалар хусусида ҳам сўз борди. Жумладан, жорий йилда Марғилон шаҳрининг 2000, Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейлари ЮНЕСКО шафеълигида кенг нишонланиши, Самарқандда ўтказиладиган анъанавий «Шарқ тароналари» VI Халқаро мусиқа фестивали, шунингдек, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда «Ислом маданияти пойтахти», деб эълон қилингани ҳақидаги маълумотлар ҳам германиялик журналистларда катта қизиқиш уйғотди.

Б.Волленвебер Ўзбекистонда кўп маротаба бўлганини, ўзининг юртимиздаги тарихий шаҳарларнинг, уларда қарор топган бетакрор меъморий обидаларнинг мафтуни эканлигини қайд этиб, дунёга машҳур Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарлари сингари Тошкент ҳам ўзининг тарихи, ислом маданияти ривожланишига қўшган салмоқли ҳиссаси билан мусулмон оламида алоҳида ўрнига эга эканини таъкидлади. «Тошкентнинг ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши холисона ва тўғри қабул қилинган қарордир», деди у.

Шунингдек, тадбирда немис оммавий ахборот вакиллари яқинда Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг биринчи ярим йиллиги якунларига бағишлаб Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилиш тўғрисидаги маълумотлар билан ҳам танишдилар.

«Жаҳон»АА
Берлин

БУ ҲАҚДА...

!

«Юқори суръатдаги иқтисодий ўсиш аҳоли бандлиги, унинг реал даромадлари ва турмуш даражаси юксалишини таъминлади. Аҳолининг реал пул даромадлари 21,3 фоиз ва ўртача ойлик иш ҳақи 48 фоизга ошди...

Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш мақсадида ўз бизнесини ташкил этиш, уй-жой ва истеъмол товарларини харид қилиш учун тижорат банклари томонидан 20,4 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилди».

БУ ҲАҚДА *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика қўмитасининг 2007 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари тўғрисидаги ҳисоботида алоҳида қайд этилди.*

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ПАРЛАМЕНТАРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бу нормалар аввал амал қилиб келинган тартибдан кескин фарқ қилади. Эски тартибга мувофиқ Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарлари ўз вазифасини адо этиши пайтида сиёсий партияларга аъзолигини тўхтатиб турарди, фракциялар ва депутатлар гуруҳи таркибига кириши, қуйи палата қўмиталари аъзолари бўлиши мумкин эмасди. Фақат икки нафар — ЎзЛиДеп ва ЎзХДПдан бир нафардан депутат яқин вақтгача Спикер ўринбосарлари этиб сайланган эди. Ҳолбуки, бундай тартиб бугунги кун талабларига жавоб бера олмайди. Зеро, партиялар, уларнинг парламентдаги фракциялари ўтган вақт мобайнида амалий тажриба орттирди, сиёсий обрў ва етукликка эришди. Бугун сиёсий партиялар, уларнинг мамлакат олий қонунчилик органидаги фракцияларининг фаоллигини, қонун ижодкорлиги самарадорлигини юксалтиришдаги ролини ошириш имконини берадиган қонунчилик базасини ташкил этишни ҳаётнинг ўзи тақозо этди. Ҳар қандай сиёсий партия, унинг парламентдаги фракциясининг кучи, жумладан, ҳокимиятнинг қонунчилик бўғинига кўрсатаётган таъсири, таклиф этилаётган қонун лойиҳалари самарадорлиги, уларни муҳокама қилиш, қабул қилиш ва тасдиқлаш жараёни билан белгиланади. Демак, фракциялар фаолиятининг кучайишига қараб, унинг аъзолари мақоми ва фаоллиги ҳам ўсиши, уларнинг Ўзбекистон сиёсий тизимини модернизация қилиш бўйича қонун ижодкорлиги жараёнида иштирок этиш даражаси оширилиши даркор.

«Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни 2008 йилнинг 1 январидан кучга киради. Шу сабабли Спикер ўринбосарларининг сайланиши ушбу қонуннинг сиёсий партиялар фракциялари фаолиятини ташкил этиш, жумладан, ижро ҳокимияти органларини шакллантириш жараёнида уларнинг иштироки, қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш ва қабул қилиш механизм ҳамда тартибини ривожлантириш билан боғлиқ асосий қоидаларини бугундан бошлаб тизимли, комплекс ва асосли тарзда амалга оширишга тайёрланиш имконини беради. ЎзЛиДепнинг Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарларини сайлаш борасидаги ташаббуси ҳам айнан ушбу ҳолат билан боғлиқ.

Қонунчилик палатаси Спикерининг янги ўринбосарларининг сайланиши Қонунчилик палатасидаги партиялар фракцияларининг ваколати ва имкониятини кенгайтириш билан бир қаторда парламент қуйи палатасида қарорлар қабул қилиш жараёнларини янада демократлаштириш имконини беради. Фракция аста-секин мамлакат олий қонунчилик органи фаолиятининг мазмун-моҳияти ва йўналишини белгилаб берувчи парламентнинг ҳаракатлантирувчи асосий кучига айланади. Муҳим ташкилий-ҳуқуқий ўзгаришлар электорат манфаатлари, партияларнинг дастурий кўрсатмаларини янада фаол илгари суриш, аҳоли ижтимоий фаоллигини оширишга туртки беради. ЎзЛиДеп, «Адолат» социал-демократик партияси, «Фидокорлар» миллий-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, «Миллий тикланиш» демократик партиясидан Спикер ўринбосарларини сайлаш тўғрисидаги қарор қонун лойиҳалари, палата тасарруфидаги бошқа масалалар, реал кўп партиявийлик ва сиёсий фикрлар хилма-хиллигини ривожлантириш жараёнларида тобора кучайиб бораётган фракциялар ўртасида баҳслашиш ва кураш эътиборга олинган ҳолда қабул қилинди.

Ҳар қандай ҳуқуқ – бу аввало масъулият демакдир. Қонунчилик палатасида раҳбар лавозимини эгаллаш имконияти ҳар бир партиянинг ўз электорати, партия аъзолари олдидаги ва ўзларининг сайловолди дастурларини бажариш масъулиятини, қабул қилинаётган қонунлар сифатини янада оширади. Мамлакатимиз сиёсий партиялари, маълумотларга кўра, яқин вақт ичида Низомларига ўз аъзоларининг сиёсий маданиятини ошириш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни чуқур ўрганиш, уларни ҳал қилиш йўлларини аниқлаш бўйича чораларни кўзда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни мўлжалламоқда. Сиёсий партиялар дастурларига ҳам тегишли равишда партия фракциялари ва уларнинг парламентдаги тузилмалари самарадорлиги ҳамда ҳамжиҳатлигини оширишга қаратилган қўшимчалар киритиш таклиф этилмоқда.

Хорижий экспертларнинг таъкидлашича, Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши туфайли сиёсий партиялардан ҳокимиятнинг марказ ва жойлардаги вакиллик органларига тақдим этилган депутатлар бирлашмаларининг роли ҳам ўзгармоқда. Чунки айнан улар сиёсий партия ва ҳокимиятнинг вакиллик органи, халқ ва қонун ўртасида боғлаб турувчи бўғин ҳисобланади. Сиёсат, иқтисодиёт, маданият соҳасида рўй бераётган туб ўзгаришларда сиёсий партияларнинг мавқеи ортиб бораётгани ҳисобга олинадиган бўлса, депутатлар бирлашмалари ўзгаришлар локомотивига айланиши ва ҳар қандай сиёсий партия диққат марказида бўлиши табиий. Бошқача айтганда, фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларда иштирок этиши муайян даражада депутатлар бирлашмалари фаолиятига ҳам боғликдир.

(ЎзА)

ЎзХДП — хотин-қизларнинг мустаҳкам таянчи

МИЛЛАТ ЭРТАСИГА МАСЪУЛЛИК

—Маҳалламизда 1280 нафардан ортиқ хотин-қиз яшайди, — деди ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши «Фаол аёллар» қаноти конференциясида сўзга чиққан Қувасой шаҳридаги Усмон Юсупов номли маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Зулфия Ортиқова. — ХДП аъзосиман. Маҳалламиз аёллари жамоатчилик ишларида фаол иштирок этмоқда. Ўтган йили маҳалламизга янги кўчиб келган бир аёл гиёҳвандфурушлар таъсирига тушиб қолган экан. Аёллар, ХДП фаоллари унинг ҳаётда тўғри йўлга тушиб олишига ҳар жиҳатдан кўмаклашишди. Ҳозирда бу жувон фаол жамоатчи аёлга айланди. Бундан ҳулоса қилдимки, фаол аёллар бирлашса, ҳар қандай масалани ҳам еча олишга қодир бўлар экан...

Конференцияда вилоятдаги давлат ва жамоат идоралари вакиллари ЎзХДП шаҳар ва туман кенгашлари раислари, фаол аёллар иштирок этдилар. Анжуманда хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги иштироки, уларнинг иш, яшаш шароитлари, бу борадаги айрим муаммолар хусусида қизғин фикр алмашувлар бўлди. Маълумки, Фарғона вилоятидаги ХДП аъзоларининг катта қисмини аёллар ташкил этади. ЎзХДП шаҳар ва туман кенгашлари, бошланғич ташкилотлар раислари орасида ҳам аёллар кўпчилик. Лекин Ёзёвон, Фарғона туман, Қувасой шаҳар партия ташкилотлари сафида аёллар кам. Ҳолбуки, жамиятдаги муаммоларни ҳал этиш, аҳоли ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда аёлларнинг иштироки муҳим аҳамиятга эга.

— Мен раҳбарлик қилаётган Фарғона шаҳар педагогика ва маиший хизмат кўрсатиш коллежи ўқувчиларининг ҳам, педагогик жамоасининг ҳам 90 фоиздан ортиғини хотин-қизлар ташкил этади, — деди ХДП аъзоси Азиза Бекмирзаева. — Жамоамиздан кўпчилик партиямиз сафида. Хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш борасидаги партиямиз ташаббусларини, саъй-ҳаракатларини ҳар доим қўллаб-қувватлаймиз.

— Ўзим ХДП аъзосиман, — деди «Камолот» ЁИҲ вилоят кенгаши раиси ўринбосари Раънохон Бўрибекова. — Ёшлар орасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси ғояларига қизиқадиган, унинг ташаббусларига дилдан қўшиладиганлар кўп. Айниқса, қизлар ва ёш аёллар орасида партия ғояларини тарғиб қилиш ҳамда жамият ҳаётидаги роли ва ўрнини тушунтириш бўйича кўплаб тадбирларни амалга оширяпмиз.

Шунингдек, конференцияда сўзга чиққан бошқа фаоллар ҳам партиямиз сафидаги фаол аёллар ҳаракатини кенгайтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти самарадорлигини ошириш, бу борада қилинажак ишлар хусусида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Конференцияда Энахон Сиддиқова ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раиси этиб сайланди.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят ва Хонқа туман кенгашлари фаоллари «Навбаҳор» болалар оромгоҳида ёзги таътилни ўтказаётган ўқувчилар билан «Бахтли болалик бекати» деб номланган учрашув ташкил этди. Суҳбатда иштирок этган вилоят «Саломатлик маркази» вакиллари болаларга соғлом турмуш тарзи жисмоний баркамоллик гарови эканлиги ҳақида ҳаётий мисоллар асосида ҳикоя қилдилар .

ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши Бахт шаҳридаги Республика махсус ўғил болалар коллежида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн олти йиллигига бағишланган маданий-маърифий тадбир ўтказди. Унда халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларидаги ЎзХДПдан сайланган депутатлар, партия фаоллари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар. Ёшларга китоблар, спорт кийимлари совға қилинди.

Гулистон шаҳар партия кенгаши вилоят тез тиббий ёрдам марказида Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони мазмун-моҳиятига бағишланган давра суҳбати ташкил қилди. Марказда фаолият юритаётган ёшлар берилаётган имтиёзлар, улардан фойдаланишнинг йўллари ҳақида ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Ўзбекистон ХДП МК
матбуот хизмати.

ИСТИҚЛОЛНИНГ ЁРҚИН ЙЎЛЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

2002 йилда мазкур темир йўллари орқали поездлар қатнови амалга оширила бошланди. Бу билан бутун Оролбўйи минтақалари-ю Қизилқум ҳудудларига коммуникация тизимларининг кириб келишига имконият яратилди. Бугунги кунда қурилиш ишлари якунланишига саноқли кунлар қолган Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон янги темир йўл линияси сингари лойиҳалар соҳадаги ёрқин ютуқлардир.

Кези келганда айтиш жоизки, кейинги 15 йил ичида МДҲга аъзо мамлакатларнинг бирортасида бизнинг мамлакатимиздагидек бунёд этилган мураккаб табиий шароитларда қурилган 564 километрлик масофадаги янги темир йўллар каби бунёдкорликлар барпо этилган эмас. Президентимиз Қорақалпоғистон ва Хоразм диёрини пойтахтимиз Тошкент шаҳри ва бошқа ҳудудлар билан туташтирувчи Ҳазорасп туманида кўҳна Жайҳун узра бунёд этилган узунлиги 681 метрни ташкил этадиган Мискин — Тошсаҳа замонавий янги темир йўл ва автомобиль йўли кўпригининг очилишига бағишланган 2004 йил 12 март кунги нутқида шундай деган эдилар:

«Қадим-қадимдан бизнинг юртимиз — ўлкамиз учун, унинг тараққиёти ва фаровон ҳаёти учун коммуникациялар, шу жумладан, йўлларнинг очилиши ва қурилиши алоҳида аҳамият касб этган.

Агарки, бугунги кунда мамлакатимизнинг жўғрофик жойлашуви, маъмурий чегараларини инобатга олсак, бизнинг халқаро коммуникациялардан, денгиз йўлларидан олис бўлиб яшаётганимизни назарда тутсак, бундай хулосани чиқариш қийин эмас, деб ўйлайман...

Шу боис, мустақиллигимизнинг биринчи кунлариданоқ жаҳонга, дунё бозорига янги йўллар очиш биз учун сув билан ҳаводай зарур ҳаётий эҳтиёжга айланди».

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида бизни дунёга олиб чиқадиган кўпдан-кўп автомобиль йўллари билан бир қаторда темир йўллар ҳам қурилди. Бу эса мамлакатимиз иқтисодиётининг ўзагини ташкил этмоқда.

Кейинги йиллар ичида Тошкент — Самарқанд ва Тошкент — Бухоро шаҳарлари орасидаги темир йўлларни таъмирлаш, янги вагон цистерналарни йиғиш, ишга тушириш вазифаси ҳам амалга оширилди.

Компания томонидан станциялар ва темир йўл вокзалларида йўловчиларга халқаро стандартларга мос шароитлар режаси доимий равишда амалга ошириб келинмоқда.

Халқаро ва маҳаллий йўналишларида қатновчи поездларда кўрсатиладиган хизматлар сифати ҳам тубдан яхшиланиб, улар замонавий талабларга мослаштирилди.

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК истиқболли вазифаларини тўлиқ ва ўз вақтида бажариш учун зурар бўлган молиявий эҳтиёжини қондириш мақсадида соҳага чет эл сармояларини жалб қилиш жараёнида ҳам бир қатор ишлар давом эттирилмоқда. Хусусан, ана шу йўналишда Осиё Тараққиёт Банкининг кредити ҳисобидан «Самарқанд — Бухоро» йўналишида йўлларни модернизациялаш дастури тўла ниҳоясига етказилди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, мамлакатимизнинг мустақил ва тўлиқ ягона темир йўл тизимини яратиш, Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларининг ер ости ва ер усти табиий бойликларини ўзлаштириш, ушбу ҳудудларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий тараққиётини таъминлаш, республикамиз иқтисодиёти олдида турган муҳим ва устувор вазифаларни амалга ошириш мақсадида қурила бошлаган «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўлида охирги юмушлар давом этмоқда. Бу тарихий бунёдкорлик шак-шубҳасиз мамлакатимиз иқтисодиётини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Инвестиция дастурига асосан Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон янги темир йўлини қуриб ниҳоясига етказиш, мавжуд локомотив ва вагонлар паркини замонавийлаштириш ва уларнинг хизмат муддатини узайтириш, Тошкент — Ангрен темир йўли участкасини электрлаштириш давом эттирилмоқда.

Осиё Тараққиёт Банки инвестициялари жалб қилиниши туфайли Ўзбекистон темир йўллари телекоммуникацияларини замонавийлаштириш лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда. Лойиҳанинг амалга оширилиши Европа — Кавказ — Осиё транспорт йўлагининг бир қисми ҳисобланган Келес-Тошкент — Бухоро участкасида оптик-толали алоқа линиясини ишга тушириш орқали телекоммуникация тизимини такомиллаштириш имконини беради.

Йўловчиларнинг темир йўл хизматларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш ва уларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида қисқа муддатларда Тошкент — Самарқанд, Тошкент — Бухоро йўналишларида қатнови йўлга қўйилган «Регистон» ва «Шарқ» тезюрар поездларида хизмат кўрсатишда сифат жиҳатидан юқори поғонага кўтарилишга ва йўловчиларнинг эътирофига сазовор бўлинди. Биргина «Регистон» деб аталган 2/1-сонли экспресс 345 километр масофани уч соату 50 минутда босиб ўтади. Тезкор йўловчи поезди уч мамлакат — Хитой, Россия ва Ўзбекистоннинг темир йўл транспорти соҳасидаги ҳамкорлигининг ёрқин намунаси дейиш мумкин.

Бугун мамлакатимиз темир йўлларининг умумий узунлиги қарийб 4200 километрни ташкил этади. Республикамизда ҳозирги пайтда дунёнинг энг ривожланган давлатлари сингари халқ хўжалигининг 80 фоизга яқин юклари темир йўллар орқали ташилмоқда.

Темир йўл тармоғида йўловчи ташиш айланмаси ҳам шу йилнинг олти ойи давомида ўтган йилнинг ярим йиллигига нисбатан 110,1 фоизни ташкил этди ва темир йўл тарихида йўловчи ташиш илк бор даромадли соҳага айланди.

Шуниси қувончлики бу йил «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКга қарашли ўнта йирик корхона халқаро сифат сертификатига эга бўлди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жаҳонда темир йўл тармоғи ичра бундай кўрсаткични қўлга киритган компаниялар кўп эмас.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Ҳа, Ўзбекистон темир йўллари — истиқлол туфайли мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий таянчларидан бирига айланди.

Сувонқул РУСТАМОВ,
журналист.
Абдурасул ЖУМАҚУЛ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар

ЙЎЛОВЧИЛАРГА ХИЗМАТ

КЎРСАТИШ СИФАТИ ЙИЛДАН-ЙИЛГА ОШИБ БОРМОҚДА

Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг кўплаб шаҳарларидаги темир йўл вокзаллари қайта қурилди. Уларда йўловчиларга ҳар жиҳатдан қулай, кенг кўламли хизмат турлари яратилди. Ўриндиқли кутиш заллари, ошхоналар, компьютерлаштирилган ўйин хоналари-ю, оналар ва болалар дам олиш хоналаригача.

Истиқлол йилларида вилоят марказлари — Урганч, Нукус, Наманган, Қарши, Термиз, Андижон, Бухоро, Жиззахдаги вокзаллар қаторида Марғилон, Ховос, Китоб, Қўқон темир йўл вокзаллари ҳам қайтадан қурилди. Ўзининг 2750 йиллигини нишонлаш арафасида турган кўҳна ва навқирон Самарқанддаги учаётган бургут қанотли муҳташам темир йўл вокзал биноси эса кенг ва барча замонавий талабларга жавоб бериши билан нафақат мамлакатимизда, балки дунёдаги кўпгина ана шундай вокзаллардан қолишмайди.

Икки йил аввал қайта қурилган Тошкентдаги Марказий темир йўл вокзали эса ҳақиқий маънода мамлакатимиз кўркига айланган. Вокзал олди қисқа муддатда яшнаб турган гулзорга, кенг, яшил хиёбонга айлантирилди. Перрон олдида бунёд этилган ажойиб фаввора атрофтеваракка салқинлик ва ҳусн бағишлаб турибди. Вокзал биносси ичида эса йўловчиларга хизмат кўрсатувчи замонавий талаблар бўйича безатилган комфорт заллари бунёд этилган.

Айни пайтда «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компаниясига қарашли «Ўзтемирйўлйўловчи» ОАЖдаги бугунги ўзгаришлардан асосий мақсад йўловчиларга жаҳон андазаларига мос намунали хизмат кўрсатишдир. Масалан, кейинги йилларда халқаро ва маҳаллий йўналишларни янада кенгайтириш, поездлар қатновини йўловчиларнинг талаб-эҳтиёжларига кўра кўпайтириш чоралари кўрилмоқда. Тошкент — Москва, Тошкент — Уфа, Тошкент — Саратов, Тошкент — Харьков халқаро йўналишидаги поездлар қатнови мунтазам йўлга қўйилган. Вагонларда йўловчиларга сифатли сервис хизматлари кўрсатилаяпти. Маҳаллий йўналишда эса Бухоро, Қўнғирот, Урганч, Қарши, Термиз, Андижон поездлари ҳам йўловчиларга намунали хизмат кўрсатмоқда.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбирлари.



Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар

***Суратларда:** 1.Тошкент — Москва йўналишидаги вагон кузатувчиларидан Гулья Загребина (ўнгдан) Абдумалик Валиев ва назоратчи Ҳазрат Ражабов йўловчининг чиптасини кўздан кечиришмоқда; 2.Поезд бошлиғи Улуғбек Абдуллаев;*

Мактабга эътибор — келажакка эътибор

ДУНЁНИНГ ЭНГ УЛУҒ ИМОРАТИ

...Ҳамроҳимиз — туман халқ таълими бўлимининг қурилиш ишлари бўйича нозири Абдуҳамид Ибрагимов табиатан оғирвазмин, камгап йигит экан. Шунданми, Чиноз шаҳридан то Кердара қишлоғига етгунимизча гапирмади. Тош тўкилган торгина кўчага бурилиб, бироз юрганимиздан сўнг эса «Жигули»сини илкис тўхтатди-да, боши билан ўнг томондаги бир қаватли пастаккина кўримсиз бинога ишора қилди:

— 41-мактабимиз мана шу бўлади...

Аллазамонлар қурилган, ўттиз йилча бурун томи бирров янгиланган бу «кошона» 15-20 киши аранг сиғадиган чоғроққина даҳлиз, муаллимлар кабинети-ю дарс ўтиладиган тўртта хонадангина иборат эди. Боз устига, поллари чириб, айрим жойлари синган, деворлари амал-тақал қилиб сувалган, ўқувчилар стол-стуллари эскириб, яроқсиз ҳолга келиб қолганди. Энг ачинарлиси, мана шу омонат кулбада 120 нафар боланинг ярми эрталаб, ярми тушдан кейин навбат билан ўқир экан.

— Энди юринглар, мен сизларга яна бир янгиликни кўрсатаман...

Хаёлимизни Абдуҳамиднинг ўктам-дадил овози бўлди. Беихтиёр унга эргашиб, машинага ўтирдик. Ортга қайтиб, катта асфальт йўлдан бир чақиримча юрар-юрмасимиздан, қишлоққа туташ дала бошидан чиқдик. Унинг бир четида яқинда қурилган кўркам иморат қад кериб турарди.

— Бу бояги мактабимизнинг янги биноси, — Абдуҳамид моторни ўчираётиб, сирли жилмайди. Машинадан тушиб, бизни кираверишига гуллар экилган ҳовли сари бошларкан, сўзида давом этди. — Уни туманимиздаги 33-ҳудудий кўчма механизациялашган жамланма бинокорлари 182 миллион сўм эвазига беш ойда қуриб, сўнгги қўнғироқ куни ўқувчиларимизга совға қилишди. Марҳамат, иккала ҳолатда кўрганларингизни ўзаро солиштириб, тегишли хулоса чиқариб олаверинг...

Турган гап, ўртадаги фарқ ер билан осмонча эди. Чунки янги бино замонавий услубда тикланган. Даҳлизи ихчам, хоналари кенг ва ёруғ. Ҳаммаси дид билан жиҳозланган. Деворларга ёшларни пухта билим олишга, катталарни ҳурматлашга, Истиқлолни қадрлашга, Ватанни севишга ундовчи шиорлар илинган. Иситиш, ёритиш ва сув тармоқлари ҳам бадастир. Эндиликда мактабнинг ён-атрофига мевали ва манзарали дарахтлар ўтқазиш, орқа томонида футбол, волейбол ва баскетбол майдончалари қуриш мўлжалланаяпти. Демак, бу қишлоқ муаллимлари ҳамда ёшлари ҳадемай ўқитиш ва ўқиш бобида катта қулайликларга эга бўладилар. Уларга ҳар қанча ҳавас қилса арзийди.

Олмазор қўрғонидаги 15-мактабга яқинлашганимиз ҳамоно бояги қувончимиз ўн чандон ортди. Боиси — мазкур илм маскани қисқа фурсатда батамом янгиланибди. Етмиш тўрт йил муқаддам ўзга мақсадда хом ғиштдан қўтарилган, кейинчалик билим даргоҳига айлантирилган эски бино таг-туги билан бузиб ташланиб, ўрнида олти бўлмадан иборат қўшқаватли муҳташам иморат бунёд этилибди. Бу вазифани «Эрта» масъулияти чекланган жамиятининг Жамолбек Алтаев, Раҳматилла Турсанов, Мурод Жабборов, Светлана Пчелицева сингари 65 нафар қурувчиси аъло даражада уддалашибди. Уларнинг кеча-кундуз тиним билмай уч сменада меҳнат қилишлари самараси ўлароқ, жами 315 ўринли 14 та синфхона, жисмоний тарбия ва кураш заллари, бир нечта фан кабинети, лабораторияхона, спорт ва йиғин-тадбирлар майдончалари барпо этилиб, ҳозиргача 630 миллион сўмлик иш бажарилибди. Айни кезларда пардозлаш, эшик-деразаларни ўрнатиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш юмушлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Бу борада бинокорларга шу даргоҳда ишловчи 35 нафар ўқитувчи сидқидилдан кўмаклашмоқда. Айниқса, Ғани Норхўжаев, Бахтиёр Бегматов, Гулнора Сулаймонова, Зуҳра Жуманова, Роила Ортиқова каби педагоглар тез-тез уюштирилаётган ҳашарларда фаол қатнашмоқдалар. Жамоа раҳбари Акбар Жўраев эса ҳали муаллимлар, ҳали қурувчилар даврасида бўлиб, кундалик ишлар сифатини мунтазам кузатиб бораяпти. Қурилиш ниҳоясига етказилиши учун елиб-югураяпти.



Масалага шу нуқтаи назардан ёндашсак, Сутбулоқ қишлоғидаги 34-мактаб директори Эркиной Шамсиевани том маънода янги хонадон бекасига менгзаш асло хато бўлмайди. Негаки, кейинги вақтларда бу ерда ҳам кескин ўзгаришлар рўй берди. Мактабнинг юздан ортиқ бошланғич синф ўқувчиси таҳсил кўрадиган қисми тўлиқ капитал таъмирдан чиқарилди. Бундан ташқари, сал нарида лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникалари билан жиҳозланадиган, маънавият ва маърифат хоналарига эга икки қаватли янги бино тикланди. 210 нафар ўғил-қиз яйраб-яшнаб сабоқ тинглайдиган, умумий қиймати 270 миллион сўмлик ушбу иншоот Мустақиллик байрами арафасида — муддатидан олдин фойдаланишга топширилади.

— Диққатга сазовор бунёдкорликларни бошқа ўқув муассасаларимиз тимсолида ҳам кўриш мумкин, — дейди халқ таълими бўлими мудири Тўлқин Дурумбетов мамнуният билан. — Чунки 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий Дастурига мувофиқ, туманимизда мавжуд 48 та билим даргоҳининг деярли барчаси қайта чирой очади. Чунончи, 6 таси янгидан қурилади, 17 таси мукаммал реконструкция қилиниб, 22 таси капитал таъмирланади. Шунга кўра, 2004-2006 йиллар мобайнида улардан 15 тасининг қиёфаси бутқул ўзгарди. Жорий йилда эса бирйўла ўнтасида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Бунда анчадан буён синашта бўлиб қолган «Эрта» масъулияти чекланган жамияти, 33-ҳудудий механизациялашган кўчма жамланма ҳамда «Нарпай-сервис» хусусий корхонасининг ҳиссаси беқиёс бўлмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли сизлар ўз кўзингиз билан кўрган иншоотлардан ташқари Чиноз шаҳридаги 1-, «Дўстлик» фермерлар уюшмаси ҳудудидаги 16-мактаблар мукаммал реконструкция қилиниб, Яллама ҳамда Эшонобод қишлоқларидаги 18- ва 43-мактаблар капитал таъмирдан чиқаралаяпти. Шунингдек, Собир Раҳимов фермерлар уюшмаси ҳудудидаги 19-мактабда алоҳида спорт зали қад ростламоқда. Мухтасар қилиб айтганда, қурувчиларимиз йил бошидан бугунга қадар 1 миллиард 900 минг сўмлик иш бажариб, зиммаларидаги топшириқни салкам 85 фоизга адо этдилар. Бундай хайрли ишлар қолган мактабларимизда ҳам босқичма-босқич давом эттирилади. Фарзандларимиз камоли ва келажаги учун нимаики зарур бўлса, барчаси муҳайё қилинади.

Дарвоқе, Истиқлол йиллари мамлакатимизда ёш авлодни билимли, ҳар томонлама баркамол инсонлар қилиб вояга етказиш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Шу асно таълим-тарбия сифатини яхшилашга, янги-янги мактаблар, коллежлар, академик лицейлар қуриб, уларни замонавий жиҳозлар билан таъминлашга энг устувор вазифалардан бири сифатида қаралмоқда. Томчида қуёш акс этганидек, Чиноз туманида амалга оширилаётган ишлар ҳам шундан далолат беради.

Абдунаби ҲАЙДАРОВ,
журналист.

Суратларда: Чиноз туманидаги мактаблар қурилишидан лавҳалар.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.



Орамиздаги одамлар

САОДАТЛИ КУНЛАР ҚАДРИ

— Истиқлол менга янги илҳом, янги куч-ғайрат бағишлади, — дейди саксон ёшдан ошиб, матбуот ва адабиётда ҳамон самарали ижод қилиб келаётган устоз Мақсуд ҚОРИЕВ

Мақсуд аканинг асли касби ҳуқуқшунос. У олий ўқув юртларида талабаларга ҳуқуқшунослик фанидан дарс берган. Шу билан бирга илк бор ўзбек тилида ҳуқуқшунослик мавзуида китоб яратган муаллифлардан биридир. Олим 1972 йилдаёқ ҳуқуқшуносларнинг алифбоси бўлмиш «Давлат ва ҳуқуқ назарияси асослари» дарслигини нашр эттирган.

Мақсуд Қориев — машҳур журналист. Унинг ижоди журналистика соҳаси билан ҳам чамбарчас боғланганлигини ўз вақтида Асқад Мухтор, Саид Аҳмад, Маҳкам Маҳмудов, Матёқуб Қўшжонов, Воҳид Зоҳидов, Абдусодиқ Ирисов, Очил Тоғаев, Наим Каримов сингари атоқли адиб ва шоирлар, олимлар кўп бор эътироф этишган. Ростдан ҳам Мақсуд аканинг журналистика соҳасидаги фаолияти ўрнак ва намуна олишга арзийди. Тақдир тақозоси билан ҳаёти журналистика билан боғланган адибимиз кўп йиллар газеталар таҳририятида ишлади, ёш ижодкор сифатида муттасил изланиб, аста-секин устозлар эътиборига, эл назарига тушди.

У узоқ йиллар давомида «Тошкент ҳақиқати», сўнг ҳозирги «Ўзбекистон овози» газетаси, «Муштум» журнали каби даврий нашрларда бўлим мудири, бош муҳаррир ўринбосари, бош муҳаррир лавозимларида хизмат қилди. Тиниб-тинчимас адиб ва журналист бугун ҳам қарийб чорак аср ўзи ишлаган, бешигини тебратган «Ўзбекистон овози» газетасида «Маънавият ва маърифат жамоатчилик кенгаши»нинг раиси бўлиб фаолият юритмоқда. Бундай сарҳисоб қилиб кўрсак, Мақсуд ака салкам олтмиш йилга яқин газета даргоҳида қалам тебратибди. Агар янглишмасам, ҳеч ким бунчалик кўп ва хўп матбуотда самарали ишламаган. Бу йил журналистика соҳасида «Олтин қалам» миллий мукофоти ғолиблари сафида Мақсуд аканинг номи ҳам янграгани бежиз эмас. Чунки адиб журналистика ривожига қўшган ҳиссасининг ўзи ушбу нуфузли танловнинг мукофотига арзийди.

Энг муҳими, Мақсуд ака атоқли адиб, ҳассос ёзувчи. Ижодини митти ҳикоялардан бошлаган қаҳрамонимиз кейинчалик йирик насрий жанрларда қалам тебратди. Унинг «Ойдин кечалар» деган илк лирик қиссаси 1968 йилда босилиб чиққан. 1970 йилда «Жийда гуллаганда», 1971 йилда «Ой тутилган кеча», «Қиз узатиб борганда», 1972-75 йилларда «Афросиёб гўзали», «Турналар баланд учади» каби қиссалари, шунингдек, «Қалдирғочлар баҳорда келади», «Жасур қиз мадҳи» номли ҳикоялар тўпламлари алоҳида китоб ҳолида нашр этилди.

Таниқли адиб ҳикоя ва қиссалар ёзиш билан чекланиб қолмай, кейинчалик, айниқса, истиқлол йилларида йирик тарихий мавзуларга ҳам қўл урди. Бу йилларда унинг «Спитамен» («Сўғд ўғлони») «Юлдузларда эди хаёли», «Осиё гўзали» бадиалари, «Тожмаҳал», Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган «Мажлиси Уламо», шунингдек, шавкатли аждодимиз Амир Темур бобомиз ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги қатор ҳикоялари босилиб чиқди.

Мақсуд аканинг истиқлол йилларида чоп этилган, танланган асарларини ўзида жамлаган уч жилдлик тўплами ҳам мустақиллигимизнинг ўзига хос самараларидандир. Тўпламнинг биринчи жилдидан «Спитамен» тарихий романи жой олган. Асар Ўрта Осиё халқларининг македониялик Искандар истилосига қарши қаҳрамонона кураши, бошқача айтганда, Ватан озодлиги, халқ эркинлиги ва ҳурлиги учун адолатли кураш тарихига бағишланган. Адибнинг 1995 йилда ёзилган, танланган асарларининг иккинчи жилдидан ўрин олган «Ибн Сино» тарихий романида эса буюк ватандошимиз ҳаёти ва илмий фаолиятининг изчил баёни, ҳалигача номаълум қирралари ширали, ҳам бадиий тилда ёритилганлиги диққатга лойиқдир.

Учинчи жилдда эса адибнинг «Ғазнавийлар» тарихий романи эълон қилинган. Ўзининг саксон йиллик умри бўсағасида адиб ушбу қимматли асари орқали халқимизнинг олис ва шонли тарихидаги яна бир муҳим қатламни очиб, бундан ўн аср аввал ҳукм сурган Ғазнавийлар салтанати ҳақида катта эпик полотно яратганки, бу асар, шубҳасиз ёзувчининг тарихий жанрдаги ижодий тафаккур чўққиси бўлди, десак янглишмаймиз.

Адиб Мақсуд Қориевнинг тарихий-бадиий йўналишдаги ижодининг қисқача мундарижаси шулар. Энг муҳими, тиниб-тинчимас, фахрий ёшда бўлишига қарамай халқимиз маънавияти, адабиётимиз равнақи, қолаверса жамиятимиз ривожини кўзлаб қатор мақолалар, бадиий асарлар, кези келганда муҳим ижтимоий мавзудаги чиқишлари билан кундалик ҳаётимизда фаол қатнашиб келаётган адибнинг ҳозирги кузатишлари, ёшларга кўрсатаётган йўл-йўриқлари эътиборга молик. Яна қувонарлиси, бугун Мақсуд Қориевнинг ҳар учала соҳада меҳнат қилиб келаётган шогирдлари эл-юртимиз корига яраб, мустақил мамлакатимиз манфаатлари йўлида хизмат кўрсатишмоқда. Бу эса ҳар кимга ҳам насиб этавермайдиган улуғ бахт, фахрли, ғурурли саодат.

Акмал САИДОВ,
юридик фанлар доктори, профессор.

ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ

ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Куни кеча жанубий Сахалиннинг Невелск туманида 6,8 балли зилзила юз берди. 2 киши ҳаётдан кўз юмди.

Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Сахалин вилояти бўйича бош бошқармаси матбуот хизматидан маълум қилишларича, бу ерда фавқулодда ҳолат жорий этилган. Кинологлар итлари билан, қутқарувчилар, руҳшунослар, шифокорлар тезда ёрдамга етиб борди.

Аҳолининг кўп қаватли уйларга кирмаслиги тавсия этилди, негаки, зилзила яна қайталаниши мумкин. Биринчи катта кучланишли зилзила юз берганидан сўнг мутахассислар томонидан яна 20 дан ортиқ учдан олти баллгача кучланишли ер силкинишлари юз бергани қайд этилган.

Ҳозир яшаса бўладиган бир қаватли уйлар танланиб, одамларга тавсия этилди, 400 та палатка ўрнатилди.

«Интерфакс» ААнинг хабар беришича, Сахалиндаги ер силкинишидан сўнг Японияннинг Хоккайдо ярим ороли қирғоқларида 20 сантиметр баландликда цунами кўтарилган.

ЎН ОЛТИ ЙИЛДАН СЎНГ

МУЗОКАРАЛАР БИРИНЧИ БОР ЎТАДИ, АГАР...

Саудия Арабистони ташқи ишлар вазири, шаҳзода Сауд ал-Файсалнинг баёнот беришича, шу йил кузда АҚШ маъмурияти ташкиллаштиришни мўлжаллаётган Фаластин — Исроил тинчлик конференциясида қатнашиши мумкин, агар унинг кун тартибига 1979 йилдан бери ечилмай келаётган тўртта асосий масала киритилса. Булар: Исроилдаги ўз уйларини ихтиёрий ёки мажбурий ҳолатда ташлаб чиқиб кетган фаластинлик қочоқлар тақдири (уларнинг асосий қисми 1948 йилги уруш арафасида ва кейинги ҳарбий ҳаракатлар даврида уйларини ташлаб чиқиб кетган); Қуддус мақоми масаласи; Фаластин чегаралари ва Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғидан Исроил оилаларини кўчириш масаласидир.



Исроил раҳбарияти, аниқроғи, ташқи ишлар вазири Ципи Ливни Саудия Арабистонининг баёнотини қўллаб-қувватлади, лекин улар қўйган шартларни бажариш жуда оғирлигини алоҳида қайд этди.

«The New York Times» газетаси хабарига кўра, Саудия Арабистони Исроилни расмий тан олмайди. Аммо Исроил — Фаластин ўртасида тинчликни ўрнатиш ишларига бажонидил ҳисса қўшишга, бу борада ташаббус кўрсатишга тайёр.

Дарвоқе, газетанинг эслатишича, агар Саудия Арабистони конференцияда иштирок этса, исроиллик вакиллар билан 1991 йилдан кейин биринчи бор музокара столига ўтиради.

ШУ ЙИЛ ДЕКАБРДА

ЧЕГАРАЛАР ОЧИЛАДИ

2004 йил май ойида Европа Иттифоқига аъзо бўлиб қирган 9 мамлакат ўз ҳудудидаги чегара назоратини шу йил декабрда бекор қилишни мўлжаллаб турибди. Европа Иттифоқининг дипломатик доираларидан олинган манбаларга асосланиб, «EUsiness» интернет-портали бу ҳақда хабар тарқатди.

Маълумотларда қайд этилишича, Словакия, Словения, Эстония, Венгрия, Латвия, Литва, Мальта, Польша ва Чехия қуруқликдаги ва денгиз чегараларини очишни режага киритди. Ҳаво чегаралари эса 2008 йил мартда очилади.

Европа Иттифоқининг адлия, эркинлик ва хавфсизлик масалалари бўйича комиссари Франко Фраттининг айтишича, ЕИнинг ушбу янги аъзолари шу йил ноябрда Шенген битими ҳудудига расмий қабул қилинади.

Ҳозирги кунда Шенген битимига 15 та мамлакат аъзо. Улар: Австрия, Бельгия, Дания, Финляндия, Франция, Германия, Исландия, Италия, Греция, Люксембург, Нидерландия, Норвегия, Португалия, Испания ва Швеция.

КИМ ҚАНДАЙ КАЙФИЯТДА?..

«Pew Global Attitubes Project» ташкилоти сайёрамизнинг 47 та мамлакатида ўтказган сўров натижалари шуни кўрсатдики фан, техника, технология ривожланган, ақл-заковат ўз чексизлигини намоён этаётган XXI асрда яшаётган бўлишимизга қарамай, инсон ҳали-бери муаммолар гирдобидан қутула олмас экан. Бугунги кунда АҚШнинг 25 фоиз аҳолисигина ўз мамлакатида амалга оширилаётган ишлардан қониқиш ҳосил қилаётганлигини билдирган (2002 йилда 41 фоиз эди).

Бу кўрсаткич Ғарбий Европада 26 фоиз (беш йил муқаддам 33 фоиз эди), Шарқий Европада 20 фоиз (беш йил аввал 10 фоиз эди), Лотин Америкасида 34 фоиз (аввал 27 фоиз эди), Осиёда эса 39 фоиз (аввал 25 фоиз эди). Демак, АҚШ ва Ғарбий Европадан ташқари мамлакатларда кўтаринки кайфият ўсиб бормоқда.

Дунё аҳолисининг салмоқли қисми ҳануз қашшоқликдан азият чекмоқда. Жумладан, АҚШда 23 фоиз аҳоли ўтган йили даволанишга ёки дори-дармон харид қилишга имкон тополмаган, 16 фоизи чўнтаги кўтармаганлиги боис ўз эҳтиёжига мос озиқ-овқат маҳсулоти ёки кийим-кечак сотиб ололмаган. Ғарбий Европада эса бу кўрсаткич 6, 7, 11 фоизни ташкил этди. Шарқий Европада сўровда иштирок этганларнинг 38 фоизи даволанишга, 32 фоизи озиқ-овқат сотиб олишга, 41 фоизи кийим-кечак харид қилишга имкон тополмаган. Лотин Америкаси ва Африкада бу кўрсаткич янада юқори.

Сўровда иштирок этганларнинг кўпчилиги даромад пастлиги ва саломатлигининг аҳволини биринчи галдаги муаммо, деб ҳисобларкан. Болаларининг келажаги ва уларнинг таълим-тарбияси кейинги муаммо дея тан олинган.

Бугунги кунда 43 фоиз россияликни, 45 фоиз украиналикни, 40 фоиз Испания ва покистонликни турар-жой муаммоси ташвишга солмоқда. Яқин Шарқ, Ҳиндистон ва бангладешликларни эса транспорт муаммоси қийнамоқда. Исроилликларни, испанларни, ливанликларни ва марокашликларни биринчи галда терроризм балоси ташвишлантираркан.

Лотин Америкаси, Осиё ва африкаликлар жиноятчиликни биринчи рақамли муаммо сифатида баҳолашган бўлса, Америка ва британияликлар гиёҳванд моддалар тарқалишини, Яқин Шарқ, Нигерия ва чехияликлар коррупцияни шундай баҳолашган.

Шуниси ажабланарлики, қашшоқ мамлакатлар аҳолиси ҳаётга кўтаринки кайфият билан қараса, индустрияси ривожланган мамлакатлар аҳолиси келажакка тушкун нуқтаи назар билан қараркан. Масалан, сўровда иштирок этган французларнинг 80 фоизи, немисларнинг 73 фоизи, японларнинг 70 фоизи, итальянларнинг 69 фоизи, америкаликларнинг 60 фоизи, канадаликларнинг 58 фоизи келгуси авлод ҳозирги авлодга қараганда ёмон яшайди, оғир шароитда кун кечиради, деб билади. Келажакка ёрқин кўз билан қараш Хитойда қайд этилган — 6 фоиз хитойликкина тушкун кайфиятда.

Яна бир таъкид. Кейинги беш йилда ўз жонига қасд қилиб, террорни амалга оширишни маъқулловчилар сони 74 фоиздан 34 фоизга камайган. Ҳозирги пайтда фаластинликнинг ҳар ўнтадан еттитаси ушбу усулни маъқуллайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ГЕОЛОГИЯ ВА МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ ОГОҲЛАНТИРАДИ

Ажратилган ер участкасига оид далолатнома асосида фойдали қазилмаларни қазиб олиш, шунингдек, ишларни давлат рўйхатидан ўтказиш негизида ўз маблағлари ҳисобига ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш ишлари билан шуғулланаётган барча корхоналар ва ташкилотлар эътиборига.

Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини қайта расмийлаштириш ва белгиланган намунадаги лицензияларни бериш муддати 2007 йил 7 августда тугашини маълум қиламиз.

Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига оид лицензиялар олган корхоналар ва ташкилотлар рўйхати вилоят солиқ идораларига ва прокуратурага, «Саноатконтехназорат» Давлат инспекциясига ва Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига юборилади.

Қонунчиликка мувофиқ ушбу органлар ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига оид лицензияларга эга бўлмаган корхоналар ва ташкилотларнинг фаолиятларини тўхтатиб қўйишлари лозим.

Ўз маблағлари ҳисобига фойдали қазилмаларни қазиб олаётган ва ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганаётган корхоналар ва ташкилотларнинг барча раҳбарларига 2007 йил 7 августгача бўлган муддатда қуйидаги манзил бўйича ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига оид лицензиялар олиш учун буюртмаларни Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасига тақдим этишни таклиф қиламиз.

Тошкент ш., 100060
Т.Шевченко кўчаси 11,
Тел.: 153-86-37, 153-05-40.

СУРАТЛАРДА САМАРҚАНД АКСИ

Урганч шаҳридаги Суратлар галереясида «Ер юзининг сайқали» номли бадиий кўргазма иш бошлади. Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган бу кўргазмадан қадим ва навқирон шаҳарнинг гўзал қиёфаси, осори-атиқалари, ноёб меъморий обидалари тасвирланган суратлар жой олган.

Кўргазмага қўйилган асарлар орасида моҳир мўйқалам усталари Э.Калантаров, Н.Петров, Р.Бринскийларнинг қадим шаҳарнинг ўтмиши ва бугуни акс этган асарлари намойиш этилмоқда.

Кўргазмани воҳаликлардан ташқари, қадим Хивага ташриф буюраётган кўп сонли хорижлик сайёҳлар ҳам томоша қилиб, илиқ таассуротлар билан қайтишмоқда.

Рўзимбой ҲАСАН.

Мулоҳаза

ТЎЙ ЭМАС БУ...

ЁКИ АЙРИМ ЖОЙЛАРДА ҲАМ ДИНИЙ, ҲАМ ДУНЁВИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ЗИД МАЪРАКАЛАР ҲАМОН ЎТКАЗИБ КЕЛИНАЁТГАНИ ХУСУСИДА

...Икки ҳафтача бурун жомлик Норбўта тоғамиз қазо қилди. У Самарқанду Қашқадарёнинг тоғ-тошларини пойи пиёда кезиб чиққан номдор мерган эди раҳматлик. Таъзиясига етиб бордик. Етти ўғил, ёлғиз бир қизнинг ҳаммаси уйли-жойли. Ўзига ўхшаган меҳнаткаш ва ҳалол касби-кори бор. Хуллас, ўзбекона айтганда, ортида тепкилаб-тепкилаб кўмадиган бир қишлоқ авлоди қолди тоғамнинг.

Хуллас, катта бир оиланинг бошига мусибат тушди. Биласиз, бу ёғи ўзбекчилик- қайғу бир, алам бир, яхши инсон қазо қилса, ёшми-қарими, беихтиёр йиғлагимиз келади. Урф-одатимизга кўра, ҳамма қариндошлардан кўнгил сўраб чиқдим. Сўнг.. «қурга ўтинг» деди мезбонлардан бири. Очиғи, ҳовлига кириб келаётганимда темир стол-стуллар ёнида давра бўлиб овқат еб ўтирган одамларни ва каттакон қозон осилганини кўриб, ҳайрон бўлувдим. Ҳалиги таклиф эса...ошиб тушди. Жимгина бир гуруҳ отахонлар олдига бориб ўтирдим. Барибир бўлмади. Охири ёнимизга келиб, қисқагина дуо қилиб кетаётганларни «қани, столга марҳамат» дея чорлаётганларга юзланиб, «оқсоқолларингиз борми шу ерда?»деб сўрадим. Ишора қилишди: «Имомимиз бу киши.»

Тўғриси, чидолмадим, бу ёғи энг яқин қариндошимнинг маросими бўлса-да, сўрадим: «Узр, домла, бу Жомда таъзия куни қозон қайнатиб, одамларга овқат бериш қачондан бери урфга кирган?» У киши бир қур у ёқ, бу ёққа қараб олди-да, «кечирасиз, бизнинг маъракаларда биринчи қатнашяпсизми?», — деб сўради. Мени таниганлар «тақсир, бу киши меҳмон, мерганни жияни» дейишгач, «нимасини айтасиз ука, неччи йилдан бери курашамиз бундай қилманглар, деб. Кўнишмайди. Бир-биридан кам бўлгиси келмайди. Қанча уришамиз, сўкамиз керак бўлса, нима қилай, йўриғимизга юрмаяпти» - дея ёзғириб кетди домла.

Тасаввур қилинг, бир ёқда йиғи-сиғи, марҳумнинг яқинлари аза тутиб ётса-ю...бир ёқда эса тўйдан озгина фарқли дастурхон атрофида ўтирганлар кўнглига овқат ейиш қандай сиғаркин? Нимасини айтасиз, буям ҳолва экан. Бир маҳал катта-катта тугунчалар солинган қопни кўтариб келишди. Таъзияга келганлар олдига қанд-қурс ва сопол тарелка солинган тугунча билан бирга...ишонасизми, минг, беш юз сўмлик пулларни қўйиб чиқа бошлашди. Навбат бизлар турган даврага келганида мен билан ёнма-ён ва ҳозиргина «биз тарафларда одатга айланиб қолган бундай сарқитларни ҳеч йўқота олмаяпмиз, нима қилайлик?» деб тортишиб ўтирганларнинг бирортаси «олмайман, менгамас, марҳумнинг оиласига қайтариб беринг шу пулни» деган гапни айтмади.

«Жом ота» масжиди имомхатиби Абдуфаттоҳ ТУРСУНОВнинг айтишича, шу атрофдаги 8 та қишлоқда ва қўшни Чироқчи туманидаги айрим жойларда таъзия маросимлари куни жонлиқ сўйиб, дастурхон ёзиш ва «хайрия пули» (***бу ажойиб иборанинг тескари талқинига қаранг!*** — *муал.*) тарқатиш кўп йиллардан бери давом этиб келаётган экан. «Ишонасизми, менинг отам раҳматли жуда илмли киши эдилар. Ва тириклигида бизларга «болаларим, агар куним битиб дунёдан ўтсам, таъзиямда жудаям қайғуга тушиб дод солиб йиғламанглар, айримларга эргашиб, қозон қайнатманглар, пул-мул ҳам қўйиб юрманглар - гуноҳкор бўлиб қоласизлар. Оддий ҳаёт кечирдим, оддийгина қилиб кузатинглар сўнгги йўлга», — дея васият қилган эдилар. Ана шу насиҳатларига амал қилдигу... лекин ҳали-ҳали оғзига кучи етмаганлар ана шуни гапириб юради. Нима эмиш, бизлар «элнинг одатини бузибмиз» деди менга жомлик муаллимлардан бири.

Бир маросим баҳонасида кўпчилик ўз кўнглидаги дардларини ҳам айтиб олди. Кексалардан бири Аъзамжон ака «бугун сиз кўрган одатларни йўқотсак бўлади. Фақат одамларга бу қилаётган ишлари ҳам диний, ҳам дунёвий жиҳатдан нотўғри эканлигини тушунтиришимиз керак» деган бўлса, мактаб ўқитувчиси Дамин ака Ўсаров «билмадим, ҳар доим шундай гапсўз бўлади. Оқсоқол айтади, имом огоҳлантиради, гуноҳга ботманглар, азани тўйга айлантирманглар, дейди. Лекин ҳеч ким қулоқ солмаяпти» деган фикрни билдирди. Энг тўғри ва холис гапни даҳбедлик диний уламолардан бири айтди:«Мана шу одатларнинг бари очиқчасига ширк, гунох, Айб ҳаммамизда. Энг аввало имомлар, қолаверса, маҳалла оқсоқоллари, зиёлилар жавобгар. Қачонгача «ким ўзар»га айланиб бораётган бундай исрофгарчиликлар давом этади? Ахир Президентимизнинг 1998 йилдаёқ айни шу масалаларга оид яъни тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказишни тартибга солиш тўғрисидаги Фармони ҳамда Диний идоранинг махсус фатвоси қабул қилинган. Тўғриси, аксарият шаҳар - қишлоқларда юқоридаги ҳужжатларга қатъий риоя этилаяпти. Билмадим, шу маросимга бирор нарса илинжида келганларни ким деб аташ керак?»

ДАРВОҚЕ: тўйи кўп, маъракаси кўп халқмиз. На маънавиятимиз, на шариатимизга тўғри келадиган «расм-русумлар»ни ота-боболаримиздан ўтиб келаётган одатлар, деб зўрма-зўракиликка ёхуд сохта обрў орттиришга берилиб, халқимизнинг бой азалий қадр-қимматини унутиб қўяётганимизни наҳот билмасак? Йўқ, мен бу билан ўзимнинг жигарларим билиб-билмай йўл қўйган хатолари учун уларни ёмонтлиққа чиқармоқчи эмасман. Аксинча, қадриятларимизни тиклаб, ўзлигимизни англаб олаётган бир пайтда бундай айрим тушунмовчиликлар динимизга ҳам, инсонгарчиликка ҳам тўғри келмайди демоқчиман.

Норқобил ЖАЛИЛ.

Кураш

Франциянинг Хендай шаҳрида кураш бўйича Ўзбекистон Президенти Гран-при халқаро турнир бўлиб ўтди. Ушбу мамлакатда илк маротаба ташкил этилган мазкур мусобақада Франция, Испания, Ҳиндистон, Португалия, Россия, Украина сингари дунёнинг йигирмадан ортиқ давлатидан келган полвонлар ғолиблик учун гиламга чиқдилар.

ТАРИХИЙ ХАЛҚАРО ТУРНИР

Ўсмирлар, ёшлар, катталар ва фахрийлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда ҳамюртларимиз ҳам муносиб иштирок этишди. Якунда курашчиларимиз умумжамоа ҳисобида олтита олтин, еттита кумуш ва учта бронза медалига сазовор бўлдилар.

— Икки кун давом этган беллашувлар Хендай шаҳрининг ниҳоятда кўркам ва ҳашаматли спорт саройида ташкил қилинди, — дейди турнирнинг Гран-при соҳиби Нурулло Абдуллаев. — Мен мутлақ вазн тоифасида Испания, Украина ва Ҳиндистон полвонларини енгиб, ғолиб чиқдим. Маҳаллий аҳолининг курашимизга бўлган қизиқишлари қалбимни фахр-ифтихорга тўлдирди. Улар беллашувларни диққат билан кузатиб боришди. Курашимиз қоидалари, усуллари билан қизиқишди. Тарихий халқаро турнир мақомини олган бу мусобақа нафақат кучлиларни аниқлади, балки Франциядек мамлакатда ўзбек курашининг янги ихлосмандлари сонининг кўпайишига ҳам катта ҳисса қўшди, деб ўйлайман.

Суратларда: *Тошкент халқаро аэропортида курашчиларимизни тантанали кутиб олиш маросимидан лавҳалар.*

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Abdurasul JUMAQUL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 223-79-98

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 749
8253 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 21.50
2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda

ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА

ҲИКМАТДИР ДУНЁ

Кўрклик тўнинг ўзингга,
Тотлиғ ошинг ўзгага.
Қўноққа кўргиз иззат,
Ёйсин шаънинг узоққа.

✧✧✧

Бахил мезбон меҳмонини ўғри кўрар,
Берганини миннат қилиб юзга урар.

✧✧✧

Илм, ҳикмат ўргангин, бўлма мағрур,
Мақтанчоқнинг шармандаси чиқди, кўр.

✧✧✧

Олим кишин эзгу тутиб, сўзин эшит,
Ҳунарини ўрганибон, амал қилгил.

Маҳмуд ҚОШҒАРИЙ.
(«Девону луғатит турк»дан)

ТИЛНИНГ КЎРКИ — СЎЗ

❖ Тилни тийишни ҳам бил, дейишни ҳам бил.
❖ Тилнинг суяги йўқ, лекин суякни синдиради.
❖ Маъносиз пойма-пой сўзламоқдан кўра, сукут сақлай билиш фазилат.
❖ Ҳақ сўз аччиқ тил билан айтилар.
❖ Ақлнинг кўрки-тил, тилнинг кўрки — сўз.

Юнус ЗИЁДОВ тўплаган.

ТЎРТЛИКЛАР

Қор ёғса эрийди, қалб музламасин,
Эшикдан киролмай бахт бўзламасин,
Бахт кирса бағрингга маҳкамроқ босгин,
Чиқиб кетишга ҳеч йўл изламасин.

✕ ✕ ✕

Дер, гумон иймондан айирмиш,
Иймонсиз даврондан айрилмиш,
Қўнар жойни билмаган қушнинг,
Шубҳасиз, қаноти қайрилмиш.

✕ ✕ ✕

Хас бўлгунча у ҳам гул эди,
Хониши ҳур бир булбул эди.
Отдан тушиб англаб етдики,
Ўз нафсига ўзи қул эди.

Маҳмуд ТОИР.

Тилсимот

ТАҚДИР ВА РАҚАМ

«Муқаддас Рим империяси» императори Карл IV га тўрт рақами жуда ёқиб қолган экан. Эҳтимол ўзи Карлларнинг тўртинчиси бўлгани учундир.

Карл IV империясининг тўрт пойтахти бўлган. Уларнинг ҳар қайсисини тўрт буюк княздан бири идора қилган. Ўзи тўртта саройда яшаб, ҳар қайси саройда тўрттадан уйни ишғол қилган. Ҳар бир уйда эса тўрттадан дераза, тўрттадан эшик, тўрттадан стол, тўрттадан қандил бўлган.

Тантанали маросим пайтларида император тўрт хил қимматбаҳо металлдан қуйилган тўрт қиррали тож кияр экан.

У ўз империясини тўрт қисмга, армиясини тўрт корпусга бўлган эди.

Император тўртта от қўшилган фойтунда юрган, кийимининг ранги тўрт хил бўлган, тўрт тилда сўзлашган.

У кунига тўрт маҳал овқатланар ва тўрт хил шароб ичарди. Ҳар галги овқат эса тўрт хил таомдан иборат бўлган.

Тўрт рақамининг «жинни»си бўлган император умри давомида тўрт марта уйланган, улардан тўрт нафар ўғил кўрган.

Жони узилаётганида ёнида тўрт врач ва тўрт дин пешвоси туриб, императорнинг тўрт васиятини тўрт тилда ёзиб борган.

Карл IV 1378 йилнинг 29 ноябрида роппа-роса соат тўртда дунёдан ўтган.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг

❖ ***Хитойлик Гун Ян Лин ўн беш минг телефон рақамини ёддан бехато айтиб бериб, ўзининг нечоғли хотираси кучли эканлигини кўпчиликнинг олдида исботлади.***

❖ ***Германиялик Вероника Сейдер хонимнинг кўриш қобилияти бошқаларникидан йигирма баробар ўткирроқ эканлигини томошабинлар олдида исботлаб берди. Сейдер хоним бир ярим километр узоқликдаги одамнинг ким эканлигини аниқ айтиб бера олган. Бундан ташқари Вероника ҳеч қандай асбоб-ускунасиз энг майда микроёзувларни ўқиб бера олган.***

❖ ***Португалиялик Антониу Гомеш исмли йигит йигирма соату ўн бир дақиқа қимирламасдан тик қотиб туриб кўпчиликни ҳайратга солди. Унинг бу ишини кузатган томошабинлар уни «Тирик ҳайкал» деб алқаб, олқишлаганлар.***

Газетамизнинг 28 июль сонидаги изоҳсиз суратга жавоблар



«Тўйгача осмондаги ойниям олиб бераман жоним, деган эдингиз-ку! Шуми топган матоҳингиз?»
Севара АЗИЗОВА, Марғилон.

✧✧✧

«Мана сенга, олам-олам тош, Қучоғига қўйиб ётгин, бош.»
Диёрбек КАРИМОВ, Тошкент.

✧✧✧

«Ёрдам беринглар, ҳой бирадарлар, ким бор, севгилимни қутқаринглар!»
Жасур ТЎРАЕВ, Қашқадарё.

✧✧✧

«СЕВГИ деганлари шундай оғир, зил-замбилки, уни ҳар ким ҳам кўтаролмайди.»
Бахтигул ЎТЕМУРАТОВА, Нукус.

Қандай изоҳлайсиз?

Саҳифани Норқобил ЖАЛИЛ ва Қувондиқ СИДДИҚ тайёрлади.